ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — O'K.U.F. F.T.U.U. — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 5 декабр, сешанба № 192 (2241)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Бўритош **Мустафоев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 декабр

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси

● *2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

Меҳнатга рағбат

Одатда, инсон меҳнати муносиб баҳоланса, қадрланса, қалби қувончга тўлиб, чекилган машаққатларни унутади. Меҳнатга рағбати ортиб, ўзида ботиний куч, шижоат ҳис этади.

Ходимларда ана шундай фаолликни ошириш мақсадида Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури рўйхатига киритилган навбатдаги тадбир Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси курортлар бошқармаси тасарруфидаги "Бўстон" сиҳатгоҳида бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан дам олишга келган фаол ходимларга дастурхон ёзилди. Йил якунларига бағишланган ушбу тадбирда жорий йилда Тошкент вилоятида бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

2006 йил давомида вилоят касаба уюшмалари ва унга аъзо ташкилотлар томонидан меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари, аҳолининг ижтимоий ночор қатлами ҳамда ўқув юртлари талаба-ўқувчиларига моддий ва маънавий кўмак бериб келинмоқда.

Жумладан, "Маҳалла-корхона" тамойили бўйича турли байрамларда кам таъминланган, кўп болали оилалар, шунингдак, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат жамоаларида имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали корхоналар, касаба уюшма ташкилотлари томонидан ходимларга қўшимча маблағ ажратилди. Кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилгани ҳам улар учун яхши имконият, албатта. Бундан ташқари, болалар ёзги таътилда оромгоҳларда соғломлаштирилди, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари имтиёзли дам олдирилди.

— Узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилаётган фаол ишчи-хизматчиларни саломатлигини тиклаш ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида йил якунига кўра уларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш анъанага айланган,—дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова. — Бу йил ҳам ушбу одатга мувофиқ, мазкур тадбирни уюштирдик. Вилоятнинг барча туман ташкилотлари ходимларидан жами 200 нафари "Бўстон" сиҳатгоҳида дам олиб, ўз саломатликларини тиклаш билан бир қаторда турли физиотерапия муолажаларини қабул қиладилар.

Сиҳатгоҳ қошидаги "Бўстон" ансамбли даврага файз бағишлади. Чирчиқ шаҳар марказий шифохонаси асаб касалликлари бўлими катта шифокори Манзура Эргашевани суҳбатга тортдик.

— Йил давомида тинимсиз меҳнат қилиш одамни толиқтиради. Вақтида дам олиб, соғлиққа эътибор қаратиш ишда унумдорликни таъминлайди. Зеро, соғлом кишигина намунали фаолият юрита олади.

— Вилоятнинг барча туманидан келган ҳамкасбларим, бошқа соҳа вакиллари билан бир даврада ўтирганимдан хурсандман,— дейди Бўка туманидан келган фермер Гулнора Эргашева. — Бу нафақат дам олиш, шунингдек, фикр ва тажриба алмашиш учун ҳам қулай фурсатдир.

Мактуба МЎМИНОВА,
«Ишонч» мухбири,
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

● *Хабар*

Кун тартибида: ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Пискент тумани вакиллиги томонидан «Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашларининг раислари, бошланғич ташкилотларнинг етакчилари иштирок этишди.

Анжуманда тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Марказий кенгашнинг Пискент туманидаги вакили Ш. Раҳимова, туман марказий касалхонасининг бош шифокори М. Қодирова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, ўқув-семинарда меҳнат муҳофазаси ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича вилоятда олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз

Хроника

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ***Тўрабек Турсунбекович Раҳмонов*** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайланди. ***Ўктам Холмирзаевич Холиқов*** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида»ги Қарорига кўра ***Исан Муртазоевич Мустафоев*** Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланди.

● *Тадбир*

БУТУН ЖАҲОН ФАЛСАФА КУНИ

Ўзбекистон Миллий Университети Маданият саройининг мажлислар залида Иброҳим Мўминов номидаги ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти ҳамда мазкур университет иштирокида Бутунжаҳон фалсафа кунига бағишланган "Мустақиллик — Ўзбекистон буюк келажагининг пойдевори" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг таниқли файласуф, сиёсатшунос, иқтисодчи, социолог ва ҳуқуқшунос олимлари иштирок этган мазкур тадбирни файласуфлар жамиятининг раиси Саид Шермуҳаммедов очди.

Анжуман давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Кўчқор Хоназаровнинг "Ўзбекистон — халқаро ҳамжамиятнинг аъзоси", Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Исмоил Саифназаровнинг "Мустақиллик ва буюк қадриятлар" каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Конференцияда мустақиллик йилларидаги фалсафа таълимининг ютуқлари, камчиликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, бир қатор институтлар таркибида фалсафа факультети бўлимлари ташкил этилгани ҳамда ўқитувчиларнинг малакасини оширмай туриб мазкур фан равнақ топмаслиги таъкидланди.

Лутфия РУСТАМОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

● *Янгилик*

ХАЛҚАРО КАСАБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Австрия пойтахти Венада Эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКСП) ва Бутунжаҳон меҳнат конфедерацияси (ВКТ) бирлашуви жараёнини ниҳоясига етказган конгресс бўлиб ўтди. Вена конгресси натижасида ўз сафларида 154 мамлакатдан умумий аъзолиги 168 миллион кишини ташкил этувчи 306 та миллий касаба уюшма марказларини бирлаштирувчи янги — Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (МКП) таъсис этилди. Конгрессда 1700 нафардан зиёд делегатлар, кузатувчилар ва меҳмонлар иштирок этдилар.

Таъсис конгресси давомида Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (МКП) Устави ва Ҳаракат дастури тасдиқланди, қатор резолюциялар қабул қилинди. Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг раҳбар органларига сайловлар бўлиб ўтди. Эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКСП)нинг собиқ бош котиби Гай Райдер (Буюк Британия) Бош котиб этиб сайланди. Эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКСП) бош котибининг собиқ ўринбосари Мамуната Сиссе (Буркина Фасо) ва Бутунжаҳон меҳнат конфедерацияси (ВКТ) бош котибининг собиқ ўринбосари Яп Винен (Нидерландия)лар Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Бош котиби ўринбосарлари этиб сайландилар.

Эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКСП)нинг собиқ Президенти Шэрон Бэрроу (Австралия) Халқаро касаба уюшмалари конференцияси Президенти қилиб сайланди. Эркин касаба уюшмалари Халқаро конфедерацияси (МКСП) Президентининг собиқ ўринбосари Микаэл Зоммер (Германия) ва Бутунжаҳон меҳнат конфедерацияси (ВКТ)нинг собиқ Президенти Люк Кортебек (Бельгия) Президент ўринбосарлари бўлишди.

● *Ўзбекистон — умумий уйимиз*

ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН ЧОРЛАР БАҒРИГА

Дўстлик, биродарлик — қудратли тўлқин. Улкан уммоннинг ҳаётбахш нафасини бахри мухитга олиб кириб, мулки борликни тоза ҳаволарга, покиза туйғуларга тўлдиради. Аҳолиси қарийб 2,5 миллионга етган Қашқа воҳасида юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек ахил ва инок турмуш кечирмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан юз берган ўзгаришлар, Марказий Осиёдаги энг йирик Шўртан газ-кимё мажмуаси, Талимаржон иссиклик электр станцияси, «Оқ сарой тўқимачи» ЛТД, «Яккабоғтекс» қўшма корхоналарининг бунёд этилиши мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжиҳатлик самарасидир.

Қадимий Насафнинг 2700 йиллик юбилейи кенг миқёсда нишонланиши, муқаддас қадамжолари билан машҳур бу кўҳна маскандаги ноёб тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш билан бир қаторда юзлаб маъмурий, ижтимоий-маиший иншоотлар, кўркам боғ-роғлар, равон йўллар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад кўтариши навқирон шаҳар жамолини янада очиб юборди.

Юртбошимиз «Одина» ёдгорлик мажмуида ташкил этилган «Ўзликни англаш» маркази фаоллари билан суҳбатларида таъкидлаганидек, «ёш авлодимиз, келгуси насллар биз бошлаган мана шу ишларнинг муносиб давомчилари бўлиб, она юртимиз, бебаҳо тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан ҳамиша ғурурланиб яшайди. Улардан куч ва руҳий қувват олиб, жонажон Ўзбекистонимиз довруғини бутун оламга тараннум этади».

Москвалик М.Фатхуллин ҳам ана шундай олиҳиммат инсонлардан бири. У ўзининг шахсий жамғармасидан Қаршидаги тарихий обидаларни таъмирлаш учун 1 миллион сўм маблағ ажратди. Гап моддий томонда эмас, балки ёрлик аҳоли билан ўзининг унутилмас кунларини ўтказган кишининг муқаддас заминга, юртга эътироф ва эътибори ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Қарши шаҳар ҳокимлигига Россия Федерациясининг Асбест шаҳарчасида яшовчи Екатерина Акцентовадан мактуб келди.

— Ўзбекистон иккинчи уйимга айланиб қолган, — деб ёзади рус қизи ўз хатида. — Кўп йиллар Қаршида умргузаронлик қилиб кам бўлганим йўқ. Қашқа воҳасининг узумлари, қовун-тарвузлари, буғдой нонлари, умуман ўзбек деҳқонининг қадоқ қўли билан яратилган асалдан тотли ноз-неъматларини асло унутмайман.

Бешкентдаги «Зафко ЛТД» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасида ўтказилган ўзбек, рус, татар ва бошқирд халқлари дўстлигига бағишланган кеча ҳақиқий қардошлик байрамига айланди. Халқаро Пушкин мукофотининг лауреати Феруза Ихсанова томонидан ўқилган оташнафас шеърлар тўпланганлар қалбини тўлқинлантириб юборди. Г.Абсаломова, С.Мельдизине, З.Салманов, Л.Кандратенко сингари фахрийларнинг дил сўзлари, А.Турдиев, Ш.Равшанова, Ж.Расулова, С.Хайитова, Д.Ихсановалар томонидан ижро этилган турли халқларнинг қўшиқ ва рақслари кишиларда катта таассурот қолдирди.

— Миллатдошларимиз қарийб бир асрдан бери Ўзбекистон тупроғида турмуш кечиришаяпти, — дейди вилоятдаги корейс миллий маданият маркази раиси Павел Пак. — Ўзимизнинг миллий анъаналаримизни унутмаган ҳолда ўзбек халқининг куй-қўшиқларини, шарқона удумларини ўрганиб олганмиз. Корейслар маҳаллий халқ тилида аниқ ва равон гаплашадилар.

Л.Ким Қашқадарёда пахтачилик тажриба мактабини яратган донгдор деҳқонлардан бири.

Дўстлик қалбни иситади, оилаларни бахт-саодат нури ила мунаввар этади. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, «Мана шундай тинч, осуда ва маз-мунли ҳаётимизнинг қадрига етиш, мамлакатимизни ҳар томонлама равнақ топтириш фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни маҳкам боғлаб меҳнат қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир».

И.ИСОМИДДИНОВ

● *Фармон ва ижро*

Бугунги кунда республикамизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жамиятимизнинг иқтисодий ҳаётида чуқур таркибий ўзгаришларни юзага келтирмоқда. Айни шу жараён иқтисодиётнинг бошқа субъектлари каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳам таллуқли бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар самараси, иқтисодни эркинлаштириш жараёни, кўп ҳолларда кичик бизнесни кенг ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

кичик бизнес субъектлари учун яратилган қулайликлар

Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодий тараққиёт барқарорлигини, кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш суръатларини белгилайди ва инвестициялар оқимини жалб этишни таъминлаш билан бирга аҳолининг доимий бандлигини кафолатлайди ҳамда бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитади. Шунинг билан бирга, ташқи бозорга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга рағбат уйғотиб, унинг фан ва техника ютуқларини тез ўзлаштириш қобилиятини ўстириб, бошқарув тизимининг қайишқоқлиги ҳамда ўзгараётган шароитларга мослашувчанлигини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январ куни Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида мамлакатимизни ривожлантиришнинг қатор устувор вазифалари хусусида сўз юритилиб, республика иқтисодиётида кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини ошириш, хусусан, ялпи ички маҳсулотдаги унинг улушини 2007 йилда камида 45 фоизгача кўтариш белгиланганди.

Шу мақсадда, кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш борасида Президентимиз томонидан ўтган давр мобайнида муҳим қарор ва фармонлар қабул қилинди. Жумладан, 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сонли Фармон билан кичик бизнес субъектларига тегишли шароитлар яратиш мақсадида қатор меъёрлар жорий қилинди.

Масалан, 2005 йилнинг июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Мазкур Фармон билан киритилган меъёр натижасида ўтган давр мобайнида 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирма ва кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, айланма маблағларни кўпайтириш, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг тури ва сифатини яхшилашга имкон яратди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 5 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига эмас, балки ҳар чоракда тақдим этишга ўтказилди.

Аввалари кичик корхона ва микрофирмалар вакиллари солиқ органларига бир чоракда 6-10 мартагача қатнаган ва унда жами 14 тагача турли хил ҳисоб-китоблар топширган бўлсалар, энди улар солиқ органларига ҳар чоракда, бир мартагина борадилар ва ҳисоб-китоб қиладилар. Бу уларга катта қулайлик яратади. Ортиқча оворагарчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Вақт тежалади.

Чунончи, мазкур қарор талаблари мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни топширишда бир қатор енгилликлар яратилди.

Хусусан, ҳозирги кунда барча солиқ инспекцияси бинолари-да солиқ тўловчилардан ҳисоботларни қабул қилиш учун алоҳида махсус хоналар (операцион заллар) ажратилди. Унда компьютер жиҳозлари билан, яъни ксероке, сканер, интернет тармоғига уланган компьютер, телефон тармоғи, солиқ қонунчилигига доир янгиликлар акс эттирилган стенд, плакатлар ўрин олди. Шунингдек, бу ерда солиқ қонунчилиги юзасидан керакли маълумотлар бериш учун маслаҳатчи ходим фаолият кўрсатаётир.

Бундан ташқари, янада қулайлик яратиш мақсадида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг барча туман давлат солиқ инспекцияларида тажриба тариқасида ҳисоботларни электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилди. Биргина солиқ тўловчининг Интернет орқали юборган ҳисоботи 10 сониядан сўнг ДСҚда жойлашган асосий серверга келади. Агар ҳисоботда мантиқий хатолар бўлмаса, уни жўнатувчи 10 дақиқа ичида ҳисобот қабул қилингани тўғрисидаги жавобни олади. Бундан кўзланган мақсад дастурий мажмуани жорий этиш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш, солиқлар тушумини назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш, солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган ахборот хизмати сифатини яхшилаш ва ниҳоят, солиқ тўловчиларнинг назорат идоралари ходимлари билан шахсан мулоқотларини қисқартиришга қаратилган.

Умуман олганда, Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар тадбиркорлик субъектлари, жумладан, кичик бизнес субъектларининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Бу эса иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ва инвестицион иқлимнинг яхшиланишига олиб келди.

Қиссадан ҳисса, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига нафақат солиқ юки камайиши, балки яратилаётган кенг имкониятлар натижасида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 22,7 фоизга ошди. Шунингдек, уларда 437,7 мингта янги иш жойлари ташкил этилди ва кичик бизнес соҳасида 7 миллионга яқин аҳоли бандлигига эришилди.

Алишер ФАЙЗИЕВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси Бош бошқармаси бошлиғи

● *Ўқув*

МАЛАКА ОШИРИШ

самарали фаолият омили

Давлатнинг келажакдаги мавқеи, ўрнини илм-маърифат, маънавият белгилаб беради. Зеро, илм жамиятни тараққиётга, кўзланган мақсадга элтиб, таназзулдан асрайди.

Ёшларни тафаккури кенг, маънавияти юксак, комил инсон қилиб тарбиялашга масъул бўлган киши, аввало, энг яхши хислатларни ўзида мужассам этган бўлиши ва бу йўлда уларга ибрат кўрсата олиши шарт.

Ана шу мақсадни кўзлаб ташкил этилган Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўқув марказида таълим ва фан ходимлари бир ҳафталик ўқув-машғулотида қатнашдилар. Улар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари ҳақида, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, жамоа шартномасини юритиш ҳамда замонавий технологик воситалардан фойдаланиш борасидаги янгиликлардан бохабар бўлишди. Шунингдек, миллий ғоя концепциясини чуқурроқ ўрганиш борасида профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларда иштирок этдилар.

Ўқув-машғулотнинг сўнгги кунида "Ишонч" газетаси тахририяти вакиллари билан давра суҳбати уюштирилди. Газета мавзуси ва мазмунини кенгайтириш, унинг ўқишли бўлишини таъминлаш борасида касаба уюшмалари ходимларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Жумладан, Меҳнат қонунининг тегишли моддаларига шарҳлар бериб борилиши, кадрларга услубий ёрдам саҳифасини ташкил этиш каби таклифлар билдирилди.

— Бу ерга келиб масъулиятни янада чуқурроқ англадим,— дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши вакили Салима Абилова.—Маърузаларни тинглаб, ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашдик.

Машғулот якунида ходимларга ўқув марказининг гувоҳномаси топширилди.

М.РАҲИМЖОНОВА,
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Касаба уюшмасининг иш услуби

МАНФААТДОРЛИК МАНБАИ

Атрофига 5129 нафар аъзони бирлаштирган Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Қорақалпоғистондаги вакиллиги ташкилотларда жамоа келишувлари ва шартномалари тузишда ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳал қилувчи кучи — ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқда. Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган 730 мегаватт-соатли Тахиатош иссиқлик энергетика станциясида 1144 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлайди. 14 та цех ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя ва хавфсиз меҳнат шароитларини яхшилашга эътиборни кучайтиришган.

Ойлик маошлар вақтида тарқатилаётганлиги, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя тўғри йўлга қўйилганлиги, цехларда қулай шароит яратилганлиги, кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кучайтирилганлиги муваффақиятни таъминламоқда. Корхонадаги тиббий санитария қисми ишчиларни доимий кўрикдан ўтказиб, даволаш-муолажа ишларини олиб бораяпти. Меҳнатни муҳофазалашга етарли миқдорда маблағ ажратилган. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар содир бўлгани йўқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи ҳужжатлари бошланғич ташкилотларда кенг ўрганиб чиқилиб, вазифалар белгилаб олинди. Асосий эътибор иш ҳақи вақтида тўланишига эришиш ва меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган. Иш берувчилар билан тузилган 20 банддан иборат жамоа шартномаларига ходимлар манфаатларини яхшилаш бўйича қўшимчалар киритилди.

Вакиллигимиз корхона ва ташкилотларида жамоа шартномалари асосида ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатдорлигини ошириш учун қарийб 113 миллион сўм маблағ сарфланди.

Қўнғиротдаги Устюрт қидирув-бурғулаш бошқармасида рўй берган меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига принципиал баҳо берилганлиги туфайли жорий йилда бундай бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмади. Тахиатош нефт базаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти Меҳрибонлик уйлари ва шифохоналарга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш анча яхшиланди. Корхоналар ҳисобидан ишчи-хизматчиларни дори-дармон сотиб олишига 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Санаторий ва болалар оромгоҳларига қўшимча йўлланмалар олинди. Ёзги таътилда тармоқ ходимларининг фарзандлари Тошкент, Қашқадарё вилоятлари, Фарғона водийсидаги сўлим оромгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тикладилар.

Тасарруфимиздаги корхона ва ташкилотлар бирбиридан олисда жойлашган. Касаба уюшма аъзолари Оролбўйида юзага келган табиий шароитларни мардонавор енгиб, республикамиз иқтисодиётини юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда иш берувчилар билан ҳамкорлик касаба уюшмаларининг асосий ишига айланган.

О.БЕКИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вакили

Тошкент Давлат шарқшунослик институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси талабаларнинг билимини чуқурлаштириш мақсадида турли тадбирларни уюштиришда ташаббускорлик кўрсатмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Зукко талаба» интеллектуал ўйини ёшларнинг ақлий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Унда барча факультет талабаларидан иборат «Камолот», «Антиквар», «Заковат», «Шарқ» ва «Фирдавс» жамоалари ўзаро баҳслашишди. Ўйин ниҳоятда қизиқарли ва сермазмун ўтди. Жамоалар вакиллари ўзларининг теран фикрлаш ва етук билимга эга эканликларини намойиш этишди. Тадбир сўнгида ғолибликни қўлга киритган «Шарқ» жамоасига кўчма кубок топширилиб, барча қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига

КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Тошкент Юридик коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан «Конституция ва фуқаролик жамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни коллеж директори, юридик фанлари доктори, профессор О.Ҳусанов кириш нутқи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Э.Саидов «Ўзбекистон Конституцияси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати», Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси катта ўқитувчиси А.Чўлиев «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимиятчилигининг амалга ошириш принциплари», коллежнинг «Конституциявий ҳуқуқий фанлар» кафедраси ўқитувчиси А.Мирзабеков «Миллий қадриятларнинг Конституцияда ифодаланиши», 3-босқич талабаси О.Қодиров «Республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётида Конституциянинг аҳамияти» мавзусида маъруза қилдилар.

«Конституцияни ўрганиш — муқаддас бурчимиз» мавзусида савол-жавоб ва деворий газеталари бўйича кўриктанлов ғолиблари рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Миллий Академик театри артистлари З.Муҳаммаджонов, Т.Мўминов, Э.Комилов, М.Мухторованинг чиқишлари анжуманга кўтаринки руҳ бағишлади.

Анжуман ҳақида айрим иштирокчиларнинг фикрини ҳукмингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

О.ҲУСАНОВ, коллеж директори:

— Фуқаролик жамияти — бу ҳар бир шахсга ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имконини беради. Ҳар ким хоҳлаган соҳасида меҳнат қилиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўша олади.

З.МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Мен Голландияда бўлганимда жаҳоннинг улкан олимлари расмига кўзим тушди. Энг тўрида бобомиз Мирзо Улуғбек бор эди. Фахрланиб кетдим. Гёте айтган экан: «Бизни буюк қилган шарқнинг буюкларидир».

К.ЮСУПОВ, ўқитувчи:

— Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Конституциямиз давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитган юридик ҳужжатдир.

О.ҚОДИРОВ, талаба:

— Мақсад Конституциямизни кўкларга кўтариш, у ҳақда баландпарвоз гаплар айтиш эмас, унинг қоидаларини ҳаётга татбиқ этишдир.

А.ЁҚУБОВ, талаба:

— Конституциямиз ҳақида фақат байрамларда гапиришимиз керак эмас. Уни тарғиб этиш узлуксиз жараён бўлсин.

Довуд МАДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Бир Фармон шарофати

ИҚТИСОД ҚИЛИНГАН МАБЛАҒ

касаначиликни ривожлантиришга йўналтирилади

Иқтисодиётнинг турли йўналишларида ислоҳотларни жорий этилишидан асосий мақсад ҳалқ фаровонлигини ошириш, ишсизликни камайтириш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришдан иборатдир. Кўзланган ушбу мақсадга эришишнинг йўлларидан бири касаначилик фаолиятига кенг йўл очишдир. Чунки бу фаолият ўзининг кўпгина қулай томонлари билан ажралиб туради. Жумладан, иш вақтининг мослашувчанлиги, яъни бўш вақтда қўшимча иш билан шуғулланиш учун қулай шароит яратади. Аёлларга уйда ўтириб ишлаб, оила бюджетини моддий жиҳатдан яхшилашга ҳисса қўшишлари учун имкон беради. Энг муҳими, меҳнатга лаёқатли, лекин иш билан таъминланмаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал қилишга замин яратилади.

Бу фаолиятга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармони билан қонуний тус берилганлиги айни муддао бўлди. Унда касаначиларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Меҳнат ва ижтимоий муҳофазанинг шарт-шароитлари ҳамда кафолатлари белгилаб берилди. Касаначилар билан кооперацияда ишловчи йирик корхоналарга ўз фаолиятини ривожлантиришга қатор имтиёзлар берилганлиги ҳам муҳимдир. Тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳоз ва инвентарлардан фойдаланиш даврида мол-мулк солиғи олинмайди.

Ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йил 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинди. Жумладан, «Нотўқима» кичик корхонасида фаолият кўрсатаётган касаначиларга ҳисобланган иш ҳақи миқдори 245 минг сўм бўлиб, корхона ягона ижтимоий тўлов — 61,3 минг сўм тўлашдан озод этилди. Ушбу иқтисод қилинган маблағлар ҳисобига саноат корхоналари касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда иш ўринларини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Фармон талабларини кенг халқ оммасига етказиш, мавжуд имкониятларни аниқлаб, қилинадиган ишларни аҳолининг банд бўлмаган қисмига таклиф қилиш, бу иш билан шуғулланиб келаётганлар ва корхоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Буни туманимизда олиб борилаётган ишлар кўламидан англаш мумкин. 2006 йил 9 ойлик якунларига кўра 9 та саноат корхонасида 152 нафар касаначи фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, тикувчиликда 55, эшик, дераза ясашда 4, кўрпа-ёстиқ тикишда 31, нонвойликда 20 нафар касаначи иш билан банд. Уларнинг иш ҳажми 29,4 миллион сўмни ташкил қилади.

Шавкат РАҲИМОВ,
Қизилтепа туман ДСИ бошлиғи

Бандлик

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва эркин рақобат муҳитини яратиш бугунги кун талабига айланди. Мамлакатимизда хусусий сектор салмоғини кескин ошириш орқали иқтисодий-ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлашнинг муайян тизими яратилди. Бу борада тадбиркорлик ва рақобатнинг кўллаб-қувватланаётгани юксалишга пилдапоя бўлмоқда.

Хўш, бу борада Сирдарё вилоятида аҳвол қандай? Бу ўзига хос ҳудудда аҳоли ижтимоий муҳофазаси қандай ташкил этилаётир?

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

ижтимоий ҳимоя кафолати

Таъкидлаш жоизки, Сирдарёнинг мавжуд ресурслари ва имкониятларида ўзига хосликни сезиш мумкин. Кўҳна Мирзачўл табиати-ю, иклими ҳам фарқланиши табиий бир ҳол. 4276,2 кв. километрни ташкил этувчи майдон муайян табақаларга бўлинади. Зироатчиликда ҳам ана шу шароитдан келиб чиқилган ҳолатда иш юритиб келинаётганининг боиси ҳам шундан. Аммо, аҳолини иш билан таъминлашда муайян муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳоли 377,6 минг нафар бўлгани ҳолда 284,4 минг кишигина иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланишади. Атига 100,3 минг нафар киши эса норасмий секторда фаолият юритиб келмоқда.

Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши тавсиялари асосида вилоят аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни кўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ташкил этиш, замонавий технологияларни жалб этиш орқали экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш каби қатор чора-тадбирлар кўзда тутилади. 2006-2007 йиллар мобайнида мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 28 та саноат маҳсулотлари, 6 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, 8 та экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, корхоналарнинг бўш майдонларини қайта жиҳозлаш ҳисобига эса 6 та турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этилиши режалаштирилган. Ана шу ишларнинг ўз ижросини топиши 1410 та янги иш ўринлари яратилди деганидир.

Келгуси йилларда 16 та янги корхона очилиб, 2400 тонна пахта, 400 тонна чигит, 100 тонна пилла, 1100 тонна сут, 300 тонна мевасабзавот, 1000 тонна ошқовоқ, 200 тонна анор, 100 тонна балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилиши билан яна 296 янги иш ўринлари яратилади.

Ҳудудий шароит деҳқончиликнинг ҳам муайян турларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Хусусан, Мирзачўл ерлари шўрхок, сизот сувлари яқин. Бу эса анор етиштириш учун кони фойда экан. Шифобахш бу неъматни етиштириш ҳисобига ҳам фойда олиш назарда тутилган. Келгусида Боёвут ва Мирзаободда 250-500 гектарлик анорзор боғлар, Гулистон, Сирдарё, Ховос, Сайхунобод туманларида картошка етиштириш, ҳар бир туманда 5 тадан Хитой технологиясига асосланган иссиқхоналар барпо этилиб, бу йўналишда 160 та янги иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Хусусан, шу йилнинг 20 октябр ҳолатига 10749 нафар кишига меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилиб, 1412 нафар кишига бир бошдан қорамол берилди. Бу йўналишда келгусида 1580 нафар кишини меҳнат билан банд этиш мўлжалланмоқда.

Касаначилик истиқболи тобора кенгроқ ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу соҳага давлатимиз томонидан янги имкониятлар яратиб берилмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик этагини тутиш истагида бўлганларга имкон кенг, — дейди Сирдарё вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи Шавкат Худойқулов. — Бу йўналишда барча технологияларни ўрганиш, уни ўз фаолиятига йўналтириш истагида бўлганларга мададкор бўлмоқдамиз. Тадбиркорлик йўналишида вилоятда, шаҳар ва туманларда ўндан ортиқ семинар, учрашув, тренинглар ташкил этилди. Бу борада мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, дастур ижросида камчилик ва нуқсонлар талайгина. Хусусан, туманлардаги ахборот-маслаҳат марказларига қўшимча равишда 16 та хизмат хоналари ажратилиб, аҳолига хизмат қилиши учун компьютерлар ва бошқа техника билан таъминланиш ҳамон ечимини топмаяпти. Боёвут ва Сирдарё туманларидаги ахборот-маслаҳат марказларини эса намунавий марказга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Улар базасида «Тадбиркорлар бизнес-маркази»ни бозор инфратузилмаси муассасаларидан мутахассисларнинг мужассамлашган мажмуасини яратиш пайсалга солиб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фуқаро жамиятда ўз ўрнини топиши, фойдали меҳнат билан шуғулланишини таъминлаш учун нима зарур бўлса, барини амалга ошириш зарур.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Савол: Мен 43 минг 426 сўм миқдорда пенсия олар эдим. Жорий йилнинг июл ойида Президентимизнинг Фармонига асосан пенсиялар 20 фоизга оширилиши керак эди. Аммо туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар менинг пенсиямни 20 фоиз эмас, балки 14,89 фоиз оширишган. Шу тўғрими?

Х. Бобожонов,
Хонқа тумани

Жавоб: Республикамиз аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида ҳақиқатдан ҳам Президентимиз томонидан барча турдаги пенсия ва нафақаларни ошириш бўйича Фармонлар қабул қилинган. Ушбу Фармоннинг навбатдагиси 2006 йилнинг 12 октябрида қабул қилиниб, унга кўра пенсиялар ўрта ҳисобда 20 фоизга оширилсин дейилган. Шу боис сизнинг пенсиянгиз 14,89 фоиз эмас, балки ўрта ҳисобда 20 фоизга оширилиши лозим.

Чироқчи туман ҳокими диққатига

БИР МАҲАЛЛА МУАММОЛАРИ

Таҳририятга Қашқадарё вилоятининг Кўкдала қўрғонида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар номидан шикоят хати келди. Унда ўзлари яшайдиган маҳалланинг кўп вақтдан бери ҳал этилмаётган айрим муаммолари ҳақида куйиниб ёзадилар.

Бундан 7 — 8 йил муқаддам қишлоқ четидан бир гуруҳ фуқароларга томорқа берилиб, янги маскан пайдо бўлади. «Обод маҳалла» деб аталадиган бу қишлоқчанинг аслида исми-жисмига мос эмас. 72 та хонадон жойлашган аҳоли истиқоматгоҳида ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси таъминоти билан боғлиқ инфратузилма вақтида шакллантирилмаганлиги туфайли ҳақли эътирозлар келиб чиқмоқда.

Очиғи, шикоят-хатининг таҳририятга иккинчи марта йўлланиши: газетанинг 2005 йил 1 октябр сонида «Режасиз иш келтирар ташвиш, ёки «Обод маҳалла»га кўз тегди» сарлавҳали танқидий мақола босилган эди. Ўшанда туман раҳбарлари маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар ҳал этилажаги ҳақида бир талай ваъда беришганди. Аммо орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтганлигига қарамасдан бу ишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

— Қишин-ёзин электр энергияси таъминотидан қийналамиз, — дейишади аризачилар Суюн Ражабов ва Барот Сайфиев суҳбат чоғида. — Туман ҳокимлигидагилар нуқул ваъда беришади. Чора тополмасдан ноқонуний йўллар билан қўшни трансформаторга улаб, ўзимиз электр тушириб олдик. Шамол турса бас, ўчиб қолади.

Уй томлари устидан ўтган «қўлбола» симёғочлардан уланган электр токидан ёнғин чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Фуқаролар У. Бобоқулов, Б. Набиев, Б. Каримов, С. Ҳақназаров, О. Набиев, Ҳ. Зиётов, уй бекаларидан О. Ҳақназарова, Ф. Каримова, О. Боймуродова сингарилар ҳам раҳбарларнинг ваъдасидан чарчаганликларини билдиришмоқда.

Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида Чироқчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Отаниёз Жуманазарова мурожаат қилдик. Мутасаддиларни фуқаролар йиғинида тўплаб, ушбу масала бўйича фикрлашишга тўғри келди. Бироқ барибир масала ечимини топмади. Кўкдала фуқаролар йиғини котиби Абдумалик Раҳимовдан оқсоқолни сўрасак: далага, шудгорнинг боришини назорат қилгани кетган, — деган жавобни олдик.

— Ҳозир топиб келаман, — дея ҳовлиқиб чиқиб кетганча қайтиб қорасини ҳам кўрсатмади.

Вақт кундуз иккидан ошган бўлишига қарамасдан фуқаролар йиғинида меҳнат бўлими инспектори Холмат Нурматовдан бошқа масъул ходимни учратмадик. Идорининг шундоққина қаршисида бозор жойлашган. Теварак-атроф тоза ва озода эмас.

Марказий қўрғондаги ташкилот ва муассасалар, аҳоли турар-жойларининг санитария ҳолати қониқарсиз. Бир вақтлар ташаббускор инсонлар томонидан экилган дарахтлар кесиб кетилган. Ўрнида қолган кундалар қачонлардир бу жойларда мевазор боғлар қулф урганлигини эслатади.

20 мингга яқин фуқаро яшайдиган Кўкдалада бандлик муаммоси ҳам ҳал этилмаган. 12 мингдан зиёд аҳолиси бор ҳудудда янги корхоналар очилмаган, қўшимча иш ўринлари яратилмаган. Кўча-кўйда санғиб юрган бекорчи ёшлар кўп.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раисини излаб топа олмагач, туман ҳокимининг ўринбосарига қайта мурожаат этишга тўғри келди.

— Эшитишимча, «Обод маҳалла» масаласи вилоят миқёсида кўриб чиқилиб, сўнг дастурга киритиларкан, — деди у...

Юртбошимиз халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида: «Ҳар қандай оғир ва мураккаб аҳволга тушганимизда ҳам, жамоатчилик, маҳалла, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, обрўли фахрийлар, қайвонилар билан бамаслаҳат мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, вазиятни очиқ-ойдин тушунтириш — бугунги куннинг долзарб вазифаси, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий шартидир» дегандилар.

Ҳақли савол туғилади: ушбу долзарб ишлар чироқчилик мутасаддиларни қачон мудроқликдан уйғотаркин?!

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси

Барча ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади. Бунёдкорлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, бахт-саодат тилайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

14 йил

Унутилмас сиймолар

УЗИЛМАС ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Буюк актёр ва режиссёр, ҳинд киносининг асосчиларидан бири Раж Капурни мамлакатимизда танимаган одам бўлмаса керак. Шу кунларда Наманган, Самарқанд вилоятларида ва пойтахтимизда буюк ҳинд киноси устаси хотирасига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда унинг фарзандлари — Рандхир ҳамда Риши Капурлар қатнашишмоқда. Уларнинг маданий тадбир туфайли Ўзбекистонга ташрифи эса икки дўст мамлакат халқлари ўртасидаги самимий муносабат ифодасидир.

Архив

Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида маданий, илмий ва савдо алоқалари жуда қадимий бўлиб, тахминан 2200 йиллик тарихга эга. Ўзбекистоннинг жанубий туманларида топилган буддизм санъатига оид археологик топилмалар, қушанлар даври маданияти бунинг ёрқин далилидир.

Бобурийлар сулоласига асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон тарихида муҳим рол ўйнади. Айнан шу даврда кўҳна ўлка маданияти, санъати ривож топди, Ўрта Осиё ва Ҳинд халқлари ўртасида алоқалар ривожланди.

Ҳиндистон халқлари миллий мустақилликка эришганидан сўнг, икки дўст халқ ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди.

1958 йилдан буён ҳинд адибларининг асарлари ўзбек ва рус тилларида чоп этиб келинади. Жумладан, асли келиб чиқиши мовароуннаҳрлик бўлган Бедил, М. Иқбол, Мирза Ғолиб асарлари Ш. Шомуҳамедов, Э. Воҳидов, Ж. Жабборов, С. Йўлдошев, Р. Муҳаммаджоновлар таржимасида ўз китобхонларига эга. Шунингдек, Рабиндранат Тагор, Премчанд, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр, Мулк Раж Ананд, Амрита Притам, Али Сардор Жаъфарий кабиларнинг асарлари кўплаб хонадонлар кутубхонасидан жой олган.

Ўзбекистон радиоси қошида урду ва ҳинд муҳарририятлари мавжуд, бир қатор мактабларда ҳинд ва урду тиллари мунтазам равишда ўқитилмоқда. 1967 йилдан буён Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти кунлари, санъат ва кинофестиваллари ўтказиб келинади.

Ўзбек кинорежиссёрлари «Ганг дарёси қизи», ҳамкорликда «Али Бобо ва 40 қароқчи» бадиий ва ҳужжатли филмларини суратга олганлар.

1968 йилдан бери анъанага айланиб қолган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивалининг энг фаол иштирокчилари сифатида Ҳиндистон алоҳида нуфузга эга.

Раж Капурни хотирлаш муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ҳам ана шу илиқ ҳамкорлик самарасидир, албатта.

Айниқса, ўзбекистонлик кино мухлислари таниқли ҳинд актёри ва режиссёри Раж Капурнинг «Дайди», «Жаноб-420», «Тун қаърида», «Сангам», «Менинг исмим масхарабоз» сингари асарларини яхши билишади. Қолаверса, у ташкил этган «Раж Капур филмс» Бомбай фирмаси киноасарларини суюб томоша қилишади. Раж Капур режиссёр ва бош ролларнинг ижрочиси сифатида жаҳонга, шунингдек ўзбекистонлик киномухлисларга жуда қадрдон. «Бобби», «Ҳақиқат, муқаддаслик, гўзаллик», «Муҳаббат ноҳушлиги», «Абдулла», «Ганг дарёси оқадиган юрт» унинг энг яхши филмларидир. Рақс ва қўшиқларга бой бу филмларда оддий халқнинг аянчли ҳаёти, ижтимоий адолатсизликка қарши норозилиги акс этган. Раж Капур ўзининг қизиқарли, комик, мусиқавий ролларини шуҳрат қозонди. У яратган «Дайди» ва «Тун қаърида» филмлари жаҳон миқёсида ўтказилган фестивалларда совринли ўринларни олган.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» жамғармаси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида мана бугун буюк санъаткорнинг фарзандлари Рандхир ва Риши Капур ҳамда Раж Капур ролларига, қўшиқларига овоз берган, таниқли санъаткор Мукеш Чандра Матхурнинг фарзанди Нитин Мукеш жаноблари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Дастлабки учрашувлар Наманган ва Самарқанд вилояти меҳнаткашлари, кино санъати мухлислари билан бўлиб ўтди. Ўзбек ва ҳинд қўшиқлари янгради, қўшиқлар эса рақсларга уланиб кетди. Раж Капур ҳақида илиқ ва самимий хотиралар тилга олинди. У ўйнаган филмлардан лавҳалар кўрсатилди.

— Айниқса, «Туркистон», «Халқлар дўстлиги» саройларида икки биродар ҳинд ва ўзбек халқларининг унутилмас учрашуви ҳамда ҳинд меҳмонлари тайёрлаб келган концерт дастури ўзбек санъаткорларини ҳам бефарқ қолдирмади. Ҳинд қўшиқларини худди ўз қўшиғидай севиб куйловчи Шерқўзи Ғозиев, Севарабону, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Сатторова, Гулсанам Мамазоитова ва хушовоз хонандалар Феруза Жуманиёзова, Дилнура Қодиржонова, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги ансамбл ҳамда «Лаъл-Баҳодур Шастри» номидаги ҳинд маданияти маркази ансамблининг қизиқарли чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди, — дейди концерт дастури режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов.

Учрашувларда Ўзбекистон давлат, маданият ва санъат арбоблари, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси, жаноб Сканд Ранжан Тайал қатнашиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

— «Раж Капурни эслаб» дастурини тайёрлаган Ўзбекистон халқига, шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик билдираман, — деди у. — Ўзбек — Ҳинд халқлари дўстлиги абадийлиги азалдандир. Айниқса, Раж Капур Ўзбекистон халқини севарди. Ҳиндистон — Ўзбекистон ҳамкорлиги нафақат санъат соҳасида, бошқа халқ хўжалиги соҳасида ҳам мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатилган. Бу алоқалар муваффақият билан янада ривожланаётгани чексиз ҳурмат ва муҳаббатнинг, самимий дўстлик, биродарлигимизнинг ифодасидир.

— Ўзбекистонга тўртинчи бор келишим, — дейди Риши Капур. — Оиламизнинг барча аъзолари Тошкентда бўлган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, менинг биринчи бор келишим. Пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзал қиёфа касб этибди. Юксак ҳурмат билан отамни хотирлаш тадбирлари ўтказилаётганидан меҳмондўст Ўзбекистон ҳукумати ва самимий санъатсевар халқи олдида умрбод таъзимдаман.

Спасиб!
Риши Капур 06
RISHI KAPOOR

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири

СУРАТДА: Раж Капур бир гуруҳ таниқли ўзбекистонлик санъаткорлар даврасида.

Ҳамкасбларимиз ҳаётидан

ҲОЖАТБАРОР ҚАЛАМКАШ

Мўйноқдан Нукусга учадиган самолётга чиқиш амри маҳол экан. Кимнинг қўлида бир қопми, ярим қопми балиғи бўлса юк-пуки билан бирга самолётнинг эшигидан ичкарига тортиб олишаркан. Улардан билет ҳам сўрашмас экан. Билетлиларни ҳатто самолёт эшиги олдига йўлатишмас, бориб қолганларни бир зарб билан итариб юборишаркан, думалаб-сумалаб ўрнидан туриб ўзига келгунча самолёт учиб кетиб бўларкан.

Бир рус кампири аллақайси санаторийга йўлланмаси, самолётга билети қўлида, бир ҳафтадан буён Нукус томон учолмаётган экан. Йиғлагани йиғлаган, ҳеч ким унга қулоқ солмайди. Аэропорт раҳбариятини, милицияни ишга солиб бечорани Нукусга учириб олиб келдим. Роса дуо қилди.

Фариштадек соф кўнгилли, ўндан ортиқ китоблари чиққан Рустам Раҳмонов «Гулистон» журналида масъул котиб бўлиб ишларди. Журналда «Темур тузуклари» асарини эълон қилишда жонкуярлик қилгани айб саналиб, у ерда ҳам қололмади. Ўн фарзанднинг отаси, катта оила соҳибининг ишсиз қолиши ёмон фожеа. Ўшанда мухбирлар бўлимининг бошлиғи эдим. Раҳбариятга тавсия қила-қила Андижон вилояти бўйича иккинчи радиомухбир қилиб ишга олдирдим. У киши менга пирим, деб мурожаат қилардилар. Бир куни телефонда пирим, сизнинг ҳузурингизга бизнинг вилоятдан бир бригадир боради. Унинг ўғли қишлоқ мактабини олтин медал билан тугатиб, Тошкент фармацевтика институтига имтиҳон топширяпти. Кириш учун бир балл етмаяпти. Шуни қўллашга ёрдамлашсангиз, жуда катта савоб бўларди-да, дедилар.

Ректорнинг ҳузурига кирдик. Аҳволни айтиб, бир деҳқоннинг фарзандини қўллашда ҳамият кўрсатишини илтимос қилдик.

Ректор қабул комиссиясининг котибини, партия комитетининг секретарини чақиртириб улар олдида илтимосимизни айтди. Улар бизга қарашди. Шунда ректор:

— Агар бола ўқишга кирмаса нима қиласизлар, қўлингдан нима иш келади? — деб сўради.

Шунда мен:

— Зоримиз йўқ, зўримиз йўқ, йиғлаб чиқиб кетаверамиз, — дедим.

— Бўлди, йигитча ўқишга кирди, йиғламанглар, — деди ректор мардлик қилиб ва қўлларимизни сиқиб боланинг ўқишга киргани билан бизни табриклади. Бошимиз осмонга етгандай бўлди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур (собиқ Октябр) тумани ички ишлар бўлимининг тезкор ходими бир жиноятчини қўлга олгани, унинг ҳомийлари турмадан чиқариб юборишгани ҳақида менга мурожаат этиб қолди. Жиноятчи марказий универмагнинг бўлим бошлиғи бўлиб, бўлимга келган арзон нархдаги жемпер, кофта ва куртканларни қиммат баҳоларда пуллаётгани фактлар асосида фош этилганини тезкор ходим менга баён этди. Материалларни ўрганиб, «У кимнинг эркаси» деган радиофельетон ёзиб эшиттириб юбордим. Фельетон пешин пайтида эшиттирилган бўлса, кечки пайтда олий мартабали киши мени дарғазаб бўлиб ахтарибди. Лекин туттирмадим...

Инсонларнинг бир-бирларига душманлигидан ҳайратланаман. Нега бир-бирларига чоҳ қазишади. Ўлдириш учун қурол-аслаҳа яратишади. Дунёнинг турли чеккаларида бўлаётган хунрезликларни эшитиб эзиласан киши.

Чаёнсифат одамлардан Аллоҳнинг ўзи асрасин экан. 1968 йилда Ўзбекистон ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор вафот этганда радионинг «Сўнгги ахборот» таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари эдим. Юқоридан таъзиянома келди. Уни эшиттиришга қўйиш учун Ўзтелерадио раисининг ўринбосарларидан изн сўрадим. Некролог биринчи программа орқали эшиттирилмайди, кечқурун соат 20.00 даги иккинчи программага қўйгин деди. Кечасидаги соат 23.00. да, азонда 06.05. да, эрталабки 08.15. да бериладиган биринчи программанинг сўнгги ахборотларига қўймайинми? — деб сўрадим.

— Йўқ, дедимми, йўқ.

— Унда бу хабарни ҳеч ким эшитмай қоладику!

— Эшитмаслиги билан сенинг нима ишинг бор?

Шундай қилиб халқ ёзувчисининг вафоти радио орқали элга вақтида маълум қилинмади. Эртаси эрталаб келиб «Совет Ўзбекистони» газетасини обзор қилиб соат 9.15. да биринчи программа орқали эшиттириб юбордим. Газетанинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг вафоти ҳақидаги некролог босилган, дедим. Қолдим балога. Ҳар соатда раис ўринбосари чақириб, нега эшиттирдинг, дея сўроқ қилади. Газетада босилгани учун дейман. Ўша пайтдаги Свердлов номидаги концерт залида, соат 11.00. дан 13.00. гача марҳум билан видолашув бўлишини эшитгандим. Борай десам, раҳбарлардан, узоққа кетиб қолма, деган кўрсатма бор. Боре нима бўлса бўлар, дея видолашувга бордим, тумонат одам. Марҳумнинг бош томонида Озод Шарафуддинов шеър ўқияпти:

Одамлар бўладики, тиригида ўликдир,
Одамлар бўладики, ўлганида тирикдир.

Алвидо, Абдулла ака, сизнинг вафотингиз хабарини элга эълон қилганим учун мени ҳали тирик кўйишмас, деб йиғлаб келдим. Яхшиямки эълон қилган эканман, Абдулла Қаҳҳор туғилган Қўқон шаҳри аҳли эшитишиб, самолётнинг ўша кунги эрталабки рейсига ўтириб, видолашувга етиб келишибди.

Қўшнимизнинг эри вафот этиб, олтита вояга етмаган болалари билан бева қолди. Ўша оиланинг олти ойлик бузоғи қорни шишиб пичоққа илинди. Бузоқнинг гўштини сотишда қийналишди. Гўшт дўконларини савдогар қассоблар эгаллаб олишиб, оддий фуқароларнинг гўшт сотишларига йўл беришмайди. Бозоркомни қистовга олиб етимчаларнинг маҳсулотини дўконга ўтказиб соттириб бердим. Қассобларга ёқмай қолибман, улар бир зўравонни ёллашиб, чойхонада шахмат ўйнаб ўтирганимда ҳужумга ўтишди. Зўравон ёлланганига минг афсус қилиб қамалиб кетди. Уч йил қатъий режим билан ўтириб келди.

Мен Ўзбекистон радиосида мухбирлар бўлимини бошқарганман. Радионинг барча вилоятлардаги ва Тошкентдаги мухбирининг барчаси мени устоз дейишарди. Шогирдларим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Саидмурод Тиллахўжаев, Жасур Носиров, Нуъмон Муҳаммаджонов, Солиҳ Ёқубов, муҳандислик академиясининг академиги Муртазо Султонов, ёзувчи Олмосхон Ғуломова, унинг бир-иккита ҳамкурс дугоналари ва ҳоказо. Ҳаммаларига минг раҳмат, беҳад ҳурмат қилишади, эъзозлашади.

Шавкат ТУРОБ,
суҳбатлашди

(Давоми. Боши газетамизнинг 29 ноябр сонида.)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Федерация кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси Икромжон Юнусовга онаси **САПУРА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Мамлакатимиз фуқароларини 8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами билан қизғин табриклайди.

Бахтимиз қомуси қабул қилинган ва янги йил кириб келаётган қутлуғ кунларда мамлакатимиз аҳлига соғлиқ-саломатлик, бахтиёрлик ва шодлик, янги муваффақиятлар тилайди.

Хонадонингиздан ҳамиша қут-барака аримасин!

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Инсонга наф келтириш. О'K.U.F. F.T.U.U. Олий ваҳт

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Р.Орипов
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.50

Буюртма Г— 1415
Тиражи: 7406